

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг набиралари вафотига йиғлашлари



18:00 / 06.12.2018 3330

Усома ибн Зайд розияллоху анху ривоят қилади:

“Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига қизлари ҳазрати Зайнаб розияллоху анҳонинг вафот қилган ўғли жасадини олиб чиқишди. Расули Акрам соллаллоху алайҳи васаллам уни кўриб, кўзлари ёшга тўлди. Шу пайт Саъд ибн Убода розияллоху анху сўрадилар: “Эй Аллоҳнинг Расули! Бу нимадир?”

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

“Бу кўз ёшлари Аллоҳ таолонинг бандалари қалбига жойлаган раҳматидир. Аллоҳ таоло марҳаматли қулларинигина раҳмат қилади!” дедилар” (Риёзус-солиҳийн, 923).

“Қалбимизнинг нури” китобидан